

ҲАМИД АРАСЛИ — НАВОИЙШУНОС

Озода Тоҳировна ТОЖИБОЕВА

PhD, катта ўқитувчи

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

ҲАМИД АРАСЛИ — УЧЕНЫЙ-НАВОИВЕД

Озода Таҳировна ТАДЖИБОЕВА

PhD, старший преподаватель

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

HAMID ARASLI IS A NAVOI CRITIC

Ozoda Tahirovna TAJIBAEVA

PhD Senior teacher

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature

Tashkent, Uzbekistan ozoda@navoiy-uni.uz

UDC (УЎК, УДК): 811.512

**For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):**

Таджибоева О.Т. Ҳамид Арасли —
навоийшунос. //Ўзбекистонда хорижий
тиллар.. — 2021. — № 1(36). — Б.235-241

<https://doi.org/10.36078/1619599061>

Received: November 25, 2020

Accepted: February 18, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific
Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Озарбайжон ва ўзбек халқининг бадиий адабиёт, ижодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари узоқ асрларга бориб тақалади. Адабий таъсир, адабий алоқалар марказида турувчи Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди, Навоий ижоди ва озарбайжон адабиёти масалалари ҳар икки адабиётшуносликнинг муҳим тадқиқот объекти ҳисобланган. Кўзга кўринган олимлар қиёсий таҳлил асосида кўплаб илмий кузатишлар олиб бордилар, адиблар ижодий меросини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Филология фанлари доктори, академик Ҳамид Араслининг самарали меҳнати алоҳида диққатга сазовор. Мақолада озар олими Ҳамид Араслининг навоийшуносликка қўшган ҳиссаси ёритилган. Навоий таваллудига бағишланган конференциялардаги иштироки кўрсатилган. “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Адабий мерос” журналларида эълон қилинган мақолалари кузатилиб, олимнинг “Навоий ва Озарбайжон адабиёти”, “Навоий меросини ўрганиш тарихидан” каби мақолалари таҳлил қилинган. Ҳ. Арасли тадқиқотларидаги муҳим далиллар, маълумотларнинг илмий қиммати далилланган. Навоийнинг озарбайжон тазкирачилигига таъсири, “Саъбат абхур” асарининг муаллифини аниқлашдаги фикрлари ёритилган. Ўзбек олимлари билан илмий ҳамкорлиги, навоийшуносликка қўшган ҳиссаси кўрсатилган.

Калит сўзлари: адабий таъсир; адабий алоқалар; тазкирачилик; анъана ва ўзига хослик.

Аннотация. Сотрудничество между азербайджанскими и узбекскими народами в области литературы, искусства и культуры насчитывает много веков. Литературное влияние, произведения Низами Гянджеви и Алишера Навои, творчество Навои и азербайджанская литература — находятся в центре литературных связей и являются важными объектами исследования ученых двух

стран. Известные исследователи сделали множество научных наблюдений, основанных на сравнительном анализе, и внесли значительный вклад в изучение творческого наследия писателей. Особого внимания заслуживает плодотворная работа доктора филологических наук, академика Хамида Араслы. В статье описывается вклад азербайджанского ученого Хамида Араслы в навоистику. Указывается его участие в конференциях, посвященных творчеству Навои. Были рассмотрены его статьи, опубликованные в журналах «Узбекский язык и литература», «Литературное наследие», проанализированы статьи «Навои и азербайджанская литература», «История изучения наследия Навои». Приводятся важные свидетельства и доказываются научная ценность исследования Х. Араслы. Описывается влияние Навои на азербайджанский тазкиризм, его взгляды на определение автора произведения «Сабъат абхур». Показано научное сотрудничество с узбекскими учеными, его вклад в навоиведение.

Ключевые слова: литературное влияние; литературная связь; повествование; традиция и оригинальность.

Abstract. Cooperation between the Azerbaijani and Uzbek peoples in the fields of literature, art and culture dates back many centuries. Literary influence, the works of Nizami Ganjavi and Alisher Navoi, Navoi's work and Azerbaijani literature, which are at the centre of literary relations, are important research objects for both literary studies. Prominent scholars have done research based on comparative analysis and made significant contributions to the study of the writer's creative heritage. The fruitful work of the doctor of philological sciences, academician Hamid Arasli is especially noteworthy. This article describes the contribution of Azeri scientist Hamid Arasli to Navoi studies. His participation in conferences dedicated to the birth of Navoi is indicated. His articles, such as "Navoi and Azerbaijani literature", "History of studying Navoi heritage", published in the journals "Uzbek language and literature" and "Literary heritage" were observed. Important facts and the scientific value of H. Arasli's research is proved. The study describes Navoi's influence on Azerbaijani tazkirism and his views on determining the author of the work "Sabat abhur". Scientific cooperation of H. Arasli with Uzbek scientists has been noted as well.

Keywords: literary influence; literary connection; narrative; tradition and originality.

Дунё адабиёти тарихидан маълумки, адабий алоқалардаги ҳамкорлик, адабий таъсир қалам аҳлини ижод сари йўналтирувчи етакчи куч ҳисобланади. Бу жараён асрлар, маконлар оша ўз таъсир манбаларини топиб боради, қувватлантиради ва ижодга рағбат, хоҳиш уйғотади. Қадим тарихга, бой анъана ва тажриба эга Шарқ халқлари адабиётида кечган ижодий таъсир маҳсуллари ўз даври адабиётини бойитгани, миллат тарихида юксалиш ясагани яхши маълум. Бу борада қариндошлик алоқалари билан боғланган озарбайжон ва ўзбек адабиётида кечган узоқ асрлик алоқалар, адабий таъсир жараёнини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, Алишер Навоидан кейинги даврларда озарбайжон адабиётига Навоий ижодининг таъсири масаласи ҳар икки халқ адабиётида кечган жараёнларни, адабий ҳодисаларни қиёсий ўрганиш заруратини туғдиради.

Алишер Навоий асарлари миллат, замон, макон танламайди. Ўз даврдан бошлаб қўшни қардош халқлар ўртасида кенг ёйилган, ўша халқларнинг адабиётига кучли таъсир кўрсатиши баробарида халқлар ўртасидаги дўстлик, адабий-маданий алоқаларни ҳам мустақкамлашга

хизмат қилган. Озарбайжон шоирлари ва Алишер Навоий ижодини қиёсий ўрганиб, “Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти” муаммосига амалий ҳисса қўшган академик Ҳамид Арасли навоийшунос олимларнинг саркорларидан биридир. Гарчи бугун озарбайжон ва ўзбек адабий алоқалари бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган ҳамда оширилаётган бўлса-да, олимнинг мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлари ўз даври учун мутлақо янгилик эди ва ҳозирга қадар ҳам ўз илмий қимматини йўқотган эмас.

Филология фанлари доктори, академик, Озарбайжон ёзувчилар уюшмасининг муҳбир аъзоси Ҳамид Арасли узоқ йиллик илмий фаолиятини Озарбайжон мумтоз адабиёти намояндалари — Ҳоконий, Низомий, Насимий, Фузулий, Табризий каби кўплаб адибларнинг ижодини ўрганишга бағишлади. “Низомий асарларида халқ ибора ва мақоллари”, “Низомий лирикаси”, “Низомий ва фольклор”, “Улуғ озарбайжон шоири Фузулий” номли тадқиқотлари фан ривожига катта аҳамиятга эга бўлган. Бирламчи манбалар асосида “Китоби Дада Қўрқут” китобининг илмий-танқидий матнини яратган. “Озарбайжон адабиёти тарихининг қисқача очерки” китоби муаллифи Ҳамид Арасли ижодкорларнинг янги қўлёзма манбаларини ўрганиш ва истеъмолга олиб киришда ҳам жонбозлик кўрсатган. Қадимдан адабий алоқаларда ҳаммаслақ бўлиб, узвий ривожланиб келган Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётини чуқур билиш ва таҳлил қилиш салоҳияти дунё миқёсидаги залворли олим бўлиб етишишига етаклаган асосий омилдир.

Ҳ. Араслининг илмий фаолияти саҳифаларида Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти масаласи катта қисмни ташкил этади. “Навоий меросини ўрганиш тарихидан” номли мақоласида берган маълумотига кўра 1940 йилдан бошлаб мазкур мавзудаги маъруза ва мақолалари ҳар икки давлат матбуотларида эълон қилиб борилган. Алишер Навоий ижоди ва шахсиятига бўлган муҳаббат ришталари олимни Ўзбекистон билан доимий алоқага чорлаган. Ўз навбатида, ҳамкорлик натижасида Ҳамид Арасли Ўзбекистоннинг В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳ.Сулаймондек забардаст олимлари қаторида туриб навоийшуносликка муносиб улуш қўшди. Ўзбек олимлари билан ҳамкорлик қилди, олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ҳаётида тенг иштирок этди. Янги манбалар асосида чуқур таҳлил қилинган мақолалари орқали Алишер Навоий ижоди қирраларини ўзбек ҳамда озар халқига ошқор этиб борди. Дунё кутубхоналарида сақланаётган Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро асарларининг қўлёзма манбаларини ўрганди, айрим тахминий фикрларга изланишлари асосида аниқлик киритди.

Ҳамид Арасли Ўзбекистонда Алишер Навоий таваллуди арафасида бўлиб ўтган конференцияларнинг доимий иштирокчиси бўлиб келган, шахсан ташриф буюриб, илмий жиҳатдан янги мақолалари билан қатнашган¹. Шу ўринда уларда олимнинг иштироки, маърузанинг долзарблигига эътибор қаратсак:

Олим 1961 йил Навоий таваллудининг 520 йиллиги муносабати билан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган конференцияда Низомий ва халқ оғзаки ижоди масаласи бўйича маъруза қилиб, унда Низомий “Хамса” дostonларини яратишда туркий халқлар оғзаки ижодидан фойдаланганини эътироф этади.

1962 йили бўлиб ўтган анъанавий VI конференцияда Ҳамид Арасли “Алишер Навоий ва Кишварий” мавзусида маъруза қилади. Маърузанинг

¹ “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг “Илмий ҳаёт” рукнида илова қилинган ахборотномалардан фойдаланилди.

илмий қиммати шундаки, ўша йилларда янги топилган Кишварий девонида Навоий ғазалига боғланган 5 та мухаммас борлигини илк маротаба илм аҳлига маълум қилган эди.

1966 йили 10-12 февраль кунлари ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган анъанавий X илмий анжуманда кириш сўзни Гафур Ғулом очиб бергандан сўнг Ойбекнинг нутқини ўқиб беришади. Сўнгра Ҳамид Арасли Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган Ҳусайн Бойқаро девонининг 6 та қўлёзма нусхаси Истанбул, Лондон, Париж ва юртимизда сақланаётганини айтиб, уларда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатларни ёритувчи муҳим фактлар борлигини қайд этади (Мазкур мақола шу йили “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 3-сонида эълон қилинган).

1967 йили В. Зоҳидов бошчилик қилган XI илмий конференцияда Ҳамид Арасли Навоий асарларининг илк таржималари ҳақида фикр юритади.

1968 йил навоийшуносларнинг анъанавий XII конференцияси Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган. Навоий таваллудининг 525 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бир неча кун давом этади. 13 февраль куни Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган асосий ялпи мажлисда Ҳ. Арасли “Гул” дostonининг туркча варианты ва бу дostonга Навоийнинг муносабати ҳақида маъруза қилади. Ёзма адабиётдаги “Гул ва Алишер” дostonида ёритилган шоирнинг маънавий қиёфаси, фожиали муҳаббати ва қатор фазилатлари ҳақида фикр юритади.

1969 йили Ҳамид Араслининг 60 ёшга тўлиши муносабати билан Абдуқодир Ҳайитметовнинг олим ҳақида махсус мақоласи эълон қилинган (9, 75–77).

1971 йил Навоий таваллудининг 530 йиллиги муносабати билан ўтказилган XV анъанавий конференцияда Ҳамид Арасли “Насимий ва Навоий” мавзусида маъруза қилади. Озарбайжон шоири Насимий Ширвонийга Навоийнинг муносабати борасида фикр юритади. Навоий “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Паҳлавони Муҳаммад” асарларида Насимийга юксак баҳо берганини таъкидлайди.

Олимнинг мазкур маърузалари доирасидаги илмий мақолалари ҳар икки давлат матбуотида эълон қилиниб борилган. Жумладан, Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти тадқиқига бағишланган мақолалари “Адабий мерос”, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналларининг 1960–1980-йиллардаги сонларидан ўрин олган.

Миллий адабиётга — умумтуркий тилли адабиётларга бўлган қизиқиш, интилиш, уларни умрининг мазмуни деб билиш олимни фундаментал тадқиқотлар сари етаклаган. Бирламчи манбалар устида ишлаш, уларни таҳлил қилиш жараёни матн ости кенглиklarини чуқурроқ англаш, қиёслаш имкониятини беради. Бу борада олимнинг илмий кузатишлари фундаментал асосга эгаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Илмий баён усулидаги аниқлик, асл манбалар билан ишлаш тажрибаси, жумлалардаги тўлиқ маъзга бой маълумот ўз давридаги замондош олимлар услубига ҳам хос хусусият. Жумладан, йирик олимлар Ҳамид Сулаймон, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, Ё. Исҳоқов илмий кузатишларидаги ҳар бир жумла ана шундай тугал илмийлик касб этади. Бир кичик мақоланинг ҳам фундаментал асосга эга эканлиги, чуқур таҳлиллар билан далиллангани, айниқса, халқаро миқёсдаги манбаларни кузатиб, муҳим умумлашмалар чиқаргани олимнинг мақолани ёзишдан олдин чуқур изланишлар олиб борганини кўрсатиб туради.

Ҳамид Арасли томонидан эълон қилинган “Навоий меросини ўрганиш тарихидан”, “Ахдий Бағдодий Навоий ҳақида”, “Навоий ва

озарбайжон адабиёти” мавзусидаги мақолалари айна киёсий адабиётшунослик, адабий таъсир масалаларини ўрганишга қаратилган муҳим тадқиқотлар сирасига киради. Жумладан, “Навоий меросини ўрганиш тарихидан” номли мақоласида олим Навоий ижодий меросининг озарбайжон, рус ва турк олимлари томонидан ўрганилишига эътибор қаратади ва кириш қисмида ўз фикрларини далиллаб кўрсатади: *“Навоий меросини ўрганиши ёлғиз ўзбек олимларининггина вазифаси эмас. Навоий буюк бир адабий мактаб бошлиғи сифатида, Низомий каби, бир неча халқларнинг адабиётига кучли таъсир кўрсатганлигидан унинг ижодини ўрганиши ҳам кенг бир соҳани ташкил этади. ... Чунки Навоий тожик, эрон, ҳинд маданиятида буюк бир маданият ҳомийси сифатида маишхур бўлса, озарбайжон, туркман, қozoқ, татар, турк, қорақалпоқ халқлари адабиётини эса ўзининг кучли таъсири билан маишхурдир, шу туфайли ҳам улар Навоийни ўрганадилар”* (3, 3).

Фузулий ижоди таваккулида Навоий ижодининг таъсири муҳим бўлганини таъкидлар экан, айнан озарбайжон адабиётини тазкирачилик ҳам Навоийдан ибрат, таъсирланиш натижасида юзага келганини фахр билан ёзади. Содикбей Афшорнинг 1508 йилда ёзилган “Мажма ул-хавос” тазкираси Навоий тазкираси асосида ёзилганини тасдиқлаш мақсадида кўл ёзма муқаддимасидан парча келтиради. Мақолада аниқ, кенг қўламли масалалар илгари сурилади:

1. Кишварийнинг Навоий билан ижодий алоқада бўлгани.
2. Фузулий адабий мактаби таваккулида Навоий ижодининг муҳим роль ўйнагани.
3. Содикбей Афшорнинг “Мажмаул хавас” тазкираси “Мажолис ун-нафоис” таъсирида ёзилгани.
4. Рус олимларининг Навоий ижодига бағишланган тадқиқотлари тавсифи.
5. Туркия кутубхоналаридаги Навоий кўл ёзмалари, уларнинг қадимийлиги ва Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини тузишда улардан фойдаланиш зарурати.

Мақолада олим фақатгина озарбайжон адабиётини Навоий ижодининг таъсири, ўрни билан чекланиб қолмайди, балки Навоий ижодини ўрганишга бел боғлаган ўзбек олимлари билан тенг масъулиятга эга олим сифатида тадқиқ этади. Жумладан, Огаҳ Сирри Лаванд ҳижрий 1325 йили Тошкентда Навоийга нисбат бериб нашр этилган “Назми ақоид” номли асарнинг Навоийга тегишли эмаслиги ҳақида мақола ёзгани, Ҳоди Зариф ҳам ўз чиқишларидан бирида мазкур фикрни маъқуллаганини айтади. *“Аmmo матбуотимизда ҳали шу вақтга қадар асар ҳақида бирор мақола чиқармадик”*, дея олим Навоий ижодини ўрганишда ўзбек олимлари қаторида тенг масъулиятга эга эканини таъкидлайди (3, 6).

Туркияда топилган “Сабъат абхур” китоби муаллифини аниқлашга қаратилган таҳлилий маълумотлар ўз даври, ҳаттоки бугун мазкур луғат тарихи ҳақида маълумот олишни истаган ҳар қандай тадқиқотчи учун ҳам қимматли далиллар ҳисобланади. Дамашқ подшоси Навоий ўз кўли билан кўчирган луғатни йўқолиб кетмаслиги учун котиб Ал Манинийга буюргани ва котиб китобга муқаддима ва сўнгсўз ёзгани, асар ҳақида мақола ёзган Аҳмад Оташ уни Окҳисорлик Абдулжалил ибн Юсуфга оидлигини исботлашга ҳаракат қилганини баён этади. Олим Аҳмад Оташ билдирган маълумотлар асоссиз эканини чуқур таҳлиллар асосида далиллайди ва асарнинг номаълум бўлиб келаётганини шундай изоҳлайди: *“Навоий бу асарни умрининг охирида ёзишга киришган бўлиб, ҳали уни тамомламай вафот этган. Шоирнинг кўл ёзмаси оққа кўчирилмай, ҳали Ҳирот ва Ўрта Осиёда маълум бўлмасданок, қандайдир*

йўл билан мамлакатдан ташқарига чиққан ва ниҳоят XVII асрда Усмон пашанинг хазинасига кирган. Бу паша Навоийга ҳурмат юзасидан, асар йўқолиб кетмасин деб, ўз замонининг кўзга кўринган олимларидан Ал Манинийни чақиртириб, асарни унга кўчиртирган. Агар шундай бўлмаганда эди, танилган араб олимларидан Ал Муродийнинг “Силкуд дурар” номли асарида Ал Манинийдек буюк олим Мир Алишер Навоийнинг “Сабъат абхур” номли китоби Шом волийси ва Ҳаж амри Усмон паша учун тўпланганлигини ва нусха кўчирилганлигини ҳамда унга муқаддима ёзганлигини айтмаган бўлур эди” (3, 7).

“Сабъат абхур”нинг Навоийга тегишли экани ҳақидаги илк фикр Огаҳ Сирри Лавандга тегишли бўлса-да, бир йилдан кейин Аҳмад Оташ томонидан эълон қилинган инкор этувчи мақола ҳам баҳсларга сабаб бўлган эди. Натан Маллаевнинг эътирофича: “профессор Ҳамид Арасли бу мақолаларни қиёсий ўрганиб, “Сабъат абхур” Навоийга мансуб деган қарорга келди”, деб охириги ҳал қилувчи хулосавий фикр Ҳамид Араслига тегишли эканлигини тасдиқлайди (5, 379).

Ҳамид Арасли туркигўй шоирлардан фақат Навоийгина бу ишни бажариши мумкинлигини айтади. Мазкур мулоҳазалар Навоийнинг хориждаги манбаларини илмий истеъмолга олиб кириш борасида ҳам долзарб эди. Қолаверса, Навоий ижодининг ўрганилиш тарихига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ҳ.Арасли томонидан 1966 йили “Хусайн Бойқаро рисоласи ҳақида” номли мақола ва асарнинг тўлиқ матни эълон қилинади (2, 6-13). Олимнинг мазкур сўзбоши ўрнида тушунтириш берилган кичик мақоласида ҳам айна эътирофга лойиқ хизматлари яққол акс этган. Хусайн Бойқаро адабий мероси нашрларини кузатиб, шеърларидан намуналар 1926 йил Бокуда нашр этилгани, 1928 йил Фитрат мажмуасига, 1948 йил Ҳоди Зариф тайёрлаган “Навоий замондошлари” китобига киритилганини айтади. Кейинги вақтлардаги тадқиқотларда “Мажолис ул-ушшоқ” номли асари борлиги айтилаётгани, бироқ Бобур бу асарни Камолиддин Хусайн қаламига мансуб деб билдириб ўтганини ёзади.

Олим Хусайн Бойқаро рисоласини 1945 йилда Исмоил Ҳикмат томонидан эълон қилинган фотосурат асосида нашрга тайёрлайди. “Асли Омосияда сақланган бу рисола турк профессорининг берган маълумотига кўра, Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари билан бир муқовада бўлганидан, кутубхонада Навоий асари номи билан қайд этилган”ини айтиб, “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий Хусайн Бойқаронинг рисоласи ҳақида сўзлаганини аниқладик, дейди олим (2, 6). Асар Порсо Шамсиев ёрдами билан нашрга тайёрланган. Журналда асар матни тўлиқ эълон қилинган. Асар матни олдида берилган ушбу бир ярим саҳифалик маълумот ҳам муҳим аҳамиятга эга. Манбаларнинг халқаро миқёсда текширилгани, ноаниқ фикрлар холис таҳлил қилингани, далиллангани, муҳими ҳар бирига олимнинг шахсий муносабати тадқиқотнинг қимматини оширади.

“Навоий ва Озарбайжон адабиёти” мақоласи ҳам адабий таъсир масалаларига бағишланган муҳим тадқиқот (1, 3-8). Дастлаб озарбайжон адибларининг Қосим Анвор, Низомий Ганжавий ижодига меҳри туфайли туркий шоирлар етила бошлаган бўлса, Алишер Навоий ижоди ўз давридан бошлаб озарбайжон адабиётига таъсир кўрсата бошлагани, Озарбайжон ёшларининг Ҳирот адабий муҳитига интилиши, Табриз адабий муҳитининг шаклланишида Навоий ижодининг таъсири кучли бўлганини таъкидлайди. Озарбайжон ёшларининг ўз тилида ижод қилишларига, озарбайжон миллий адабиётининг юксалишида

Навойнинг таъсири кучли бўлгани ҳақидаги фикрлар қардош миллат вакили томонидан берилган энг юксак эътирофдир.

Умуман олганда, Ҳамид Араслининг ўзбек адабиёти тарихи, навойшунослик олдидаги хизматлари беқиёс. Бир-биридан сув ичган икки халқнинг шаклан, мазмунан ҳамоханг адабиётини ўрганиш борасидаги фаолияти кенг ва самарали кечган. Залворли, фан учун долзарб, муҳим аҳамиятга эга масалаларни кўтариб чиқди, бахсли масалаларда аниқликка интилди, холис баҳо берди. Навойшуносликни янги маълумотлар билан бойитди. Алишер Навойнинг Низомий Ганжавий анъанасига эргашгани ва ўз навбатида, озарбайжон адабиёти таваккулида Навой ижодининг беқиёс бўлганини илмий тадқиқотлари орқали ёритди. Ўзбек ва озарбайжон адабиётини қиёсий ўрганиш йўлидаги муҳим вазифаларни бажарди, бу йўналишдаги тадқиқотлар кўламини бойитди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арасли Ҳамид. Навой ва озарбайжон адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1968. 3-сон. — Б. 43–43.
2. Арасли Ҳамид. Ҳусайн Бойқаро рисоласи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1966. 3-сон. — Б. 6–13.
3. Арасли Ҳамид. Навой меросини ўрганиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1960. 3-сон. — Б. 3–8.
4. Арасли Ҳамид. Аҳдий Бағдодий Навой ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1977. 4-сон. — Б. 43–47.
5. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. — Тошкент: Ўқитувчи, 1976.
6. Муҳаммадхўжаев Ҳ. Алишер Навой ва озарбайжон адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1972. 2-сон. — Б. 22–29.
7. Нагиева Ж. Навой ижодининг Озарбайжонда ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1973. 5-сон. — Б. 56–59.
8. Эркинов А., Жабборов Р. Навой шеърлари “Султон Яъқуб сайланмаси”да / Алишер Навой ва XXI аср: халқаро илмий-назарий конференция материаллари. — Тошкент, 2018. — Б. 36–41.
9. Ҳайитметов А. Ҳамид Арасли // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1969. 2-сон. — Б. 75–77.

References

1. Arasli Hamid. *O'zbek tili va adabiyoti*, Toshkent, 1968, No. 3, pp. 43-43.
2. Arasli Hamid. *O'zbek tili va adabiyoti*, Toshkent, 1966, No. 3, pp. 6-13.
3. Arasli Hamid. *O'zbek tili va adabiyoti*, Toshkent: 1960, No. 3, pp. 3-8.
4. Arasli Hamid. *O'zbek tili va adabiyoti*, Toshkent, 1977, No. 4, pp. 43-47.
5. Mallaev N. *O'zbek adabiyoti tarixi*, Toshkent: O'qituvchi, 1976.
6. Muhammadhujaev H. *O'zbek tili va adabiyoti*, Toshkent, 1972, No. 2, pp. 22-29.
7. Nagieva Z. *O'zbek tili va adabiyoti*, Toshkent, 1973, No. 5, pp. 56-59.
8. Erkinov A., Jabborov R. Alisher Navoiy va XXI asr: xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari, Tashkent, 2018, pp. 36-41.
9. Hajitmetov A. *O'zbek tili va adabiyoti*, Tashkent, 1969, No. 2, pp. 75-77.